

O'ZBEKISTON



OYOZI

IJTIMOY-
SIYOSIY
GAZETA

2004-YIL 26-OKTYABR SESHANBA 127 (27.302) uzbovozi@sarkor.uz 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

устав фаолиятининг бош мақсади — одамларнинг Конституциявий ҳуқуқлари ва инсоний эркинликлари, шаъни ҳамда қадр-қиммати ишончли ҳимоя қилиниши таъминланиши учун изчил кураш олиб боришдан иборатдир

Ўзбекистоннинг гигант иншоотлари

ҚУМ БАРХАНЛАРИ БАҒРИДАГИ «МЎЪЖИЗА»

мамлакат ёнилғи-энергетика тизимида муҳим ўрин тутган «Муборакнефтегаз» корхонаси кончилари ҳаётдан суратли лавҳа

Муборак шаҳридан жанубга томон кетган йўл сизни бево-сита газ ва нефть қазиб олаётган кончилар ҳузурига олиб боради. Бу ерларда янголор-ру юлгун билан қопланган далалардан сўнг саксовул ва қум барханларидан иборат чўл бошланадики, ана шу чўл қўйнида, барханлар бағрида чинакам мўъжизаларнинг гу-воҳи бўласиз. Шаҳардан юз километр олдидан, кимсасиз чўл ўртасида қад ростлаган яна-яшил посёлкани кўргани-мизда, тўғриси, кўзларимизга ишонмадик. Кўкдумалоқ кон-чилар посёлкаси номи билан харитага тушган бу масканда бугун 1500 нафардан зиёд нефть ва газ қазиб олувчи иш-чилар, оператор ва муҳандис-техник ходимлар истиқомат қилишапти.

Йилда газ тайёрлаш қурилма-лари, 1997 йилда эса ер ос-тига газ ҳайдаш компрессор станцияси ишга тушган. Кўкдумалоқдан 30-40 кило-метр чамаси юрилган қум те-паликлари оралиғида яна бир кон — Зеварда газ конига те-гишли осмонга зангори олов пуркаётган баланд-баланд қувурлар, шовқин солиб иш-лаётган ўнлаб, балки юзлаб моторлар, турли сизимдаги компрессорлар кўзга ташла-нади.

— Унлаб қудуқлардан газ оламиз, — дейди кон бошлиғи Илаш Қулмуродов. — 1978 йилда ишга тушган конда айни пайтда 190 киши ишла-пти. Бир кеча-кундузда 20 миллион кубометр газни тай-ёрлаб, газ ва конденсат ҳоли-да қувурлар орқали истеъ-молчиларга етказиб берила-пти.

Барханларнинг бағрини қиличдай тилиб ўтган асфальт йўл буйлаб юришда давом эт-сангиз, 50-60 километрдан сўнг яна бир шинам посёлка-га етиб келасиз. Бу ерда Қул-


так, Помуқ ва Алон конлари-да меҳнат қилаётган 400 на-фар ишчи-хизматчилар исти-қомат қилишар экан. Атроф-га биллур томчилар пуркаёт-ган фавворага, дов-дарахт-ларнинг олтинранг япроқла-рига боқиб, баҳри-дилнингиз очилади.

— Кўп йиллардан бери шу ерда ишлайман, — дейди газ қудуқлари устаси Турғун Рах-монов. — Смена бўлиб ишга чиқамиз. Хозиргина келдик Посёлкамизда сменалар ора-лиғида ҳузур қилиб хордик чикариш учун ҳамма нарса муҳайё. Саккиз соатдан сўнг яна вахтани қабул қиламиз. Хозир ишлаётганлар эса дам олишади. Бир ойда икки ҳафта ишласак, икки ҳафта хордикда бўламиз. Ойлик ма-шумиз 130-140 миң сўм. Тўғриси айтсам, ишимиз энгил-елпи ишлардан эмас. Ер қаъридан вишиллаб чиқа-ётган, катта босимдаги газ ёки нефтни жиловлаш айтиш-га осон. Аммо, йигитларимиз бўш келадиганлардан эмас. Улар ўз ишларининг урдаси-



дан чиқашаётир. — Бир кеча-кундузда 80 та қудуқдан жами 46-48 миллион кубометр газ оляемиз, — дейди Қултак, Помуқ, Алон комплекси бошлиғининг муо-

вини Фулом Мансуров. — Шун-дан 9 миллион кубометри Қул-так тармоғига, 12 миллион ку-бометри Помуқ тармоғига, 20 миллион кубометри Алон тар-моғига тўғри келади.



Суратларда: Кўкдумалоқ кони технологик компрессор ма-шинисти Рашид Мухаммадиев; оператор Дилшод Қиличев; Зеварда газ кони компрессорлари.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки АХБОРОТИ

1 Австралия доллари	778,15	1 Польша злотийси	311,08
1 Англия фунт стерлинги	1921,59	1 СДР	1557,92
1 Дания кронаси	179,61	1000 Туркия лираси	0,71
1 БАА дирхами	284,65	1 Швейцария франки	871,02
1 КАА доллари	1045,48	1 ЕВРО	1334,45
1 Миср фунти	167,68	10 Жанубий Корея воени	9,20
1 Испания кронаси	15,28	10 Япония иенаси	97,89
1 Канада доллари	855,48	1 Россия рубли	36,05
1 Хитой юани	126,32	1 Украина гривнаси	197,02
1 Малайзия рингити	275,16		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарни ушбу қий-матда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Хурмат билан Вазир Т. ДАУЛЕТМУРАТОВА».

ПРЕЗИДЕНТ ТАБРИГИ


Шу кунларда мамлакатимизда пахта йи-гим-терими қизгин суръатлар билан давом этмоқда. 25 октябрь куни Жиззах вилояти меҳнаткашлари ҳам 230 миң тонналик пахта хирмони яратиб, давлатга пахта сотиш шартнома режасини адо этдилар.

таблари асосида ташкил этишга эриша олгани мужассамдир. Вилоят пахтакорларининг етиштирилган мўл ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдир-май, юқори сифат билан териб олишга му-ваффақ бўлгани барча ширкат ва фермер хўжалиқларининг бу муҳим ишга юксак масъулият билан қараб, уни ушқоқлик билан ўтказганидан далолат беради.

ЖИЗЗАХЛИК ПАХТАКОРЛАР ГАЛАБАСИ

Қишлоқ хўжалиғи соҳасида ислохотларни изчил амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилаётган Жиззах вилоя-ти пахтакорлари пахта тай-ёрлаш бўйича йиллик шарт-номавий режаларини шараф билан бажардилар. Давлат қабул пунктларига етказиб берилган 230 миң тонналик ҳосилнинг 80 фоиздан кўпроғи юқори навларга со-тилди. Дўстлик, Пахтакор, За-фаробод, Мирзақўл туманла-ри деҳқонлари қўлга кирит-ган натижалар айниқса қув-онарли бўлди.

«Пахта — 2004» хўжалиғи раҳбари Омонбой Абдуллаев. — Уларнинг ак-сариятига ишнинг кўзини би-ладиган, деҳқончиликдан ха-бари бор, ташкилотчи ва тад-биркор кишилар бошчилик қилади. Шунинг учун ҳам юз-лаб эмас, миңлаб фермер-лар бу йил пахтачилик соҳа-сида шартномавий режалари-ни биринчи теримдаёқ оши-риб бажариб қўйдилар. Да-роматнинг ҳам шунга яраша бўлиши кутилапти.



Вилоят пахтазорларида ҳали ҳосил бор. Деҳқонлар етиш-тирилган ҳосилнинг охириги ми-сқолларигача териб олиш билан бирга кузги-қишги тadbир-ларни ҳам бошлаб юборишди. (Ўз мухбирини)

ДЕНОВ ЯНА ИЛГОРЛАР САФИДА

Денов миришкор деҳқонлари, уста пахтақору галлакорлари билан нафақат Сурхондарёда, балки республикамизда ҳам ўзига хос мавқега эга ту-манлардан. Бу йил 12 миң 977 гектар ерда мўл пахта ҳосили етиштирилди. Уюлган хирмон сал-моғи 41 миң тоннадан ошди. Ҳар гектар ер ҳосилдорлиғи ўртача 31,6 центнер бўлди. Собир Раҳимов, Охунбобоев, Ислам Тўраев номли, «Хол-чаён», «Галаба», Бобур номли ширкат хўжалиқла-ри, «Мустақиллик» фермер хўжалиқлари уюшма-си ва яна бир қанча жамоалар зафар маррасига биринчилар қатори етишди.

Пахта — туманнинг асосий даромад манбаи. Ўтган йил олинган соф даромад эвазига қатор мактаблар, спорт мажмуалари, маданий-маиший бинолар қурилиб ишга туширилди. Хўжалиқлар ҳудудларида йўллар таъмирланиб, асфальт ёти-зилди. Артезиан қудуқлар қазилди. Қишлоқларга тоза ичимлик сув ва газ келтирилди. Ҳаммаси ҳосилдан олинган даромад эвазига бўлди.

Мақсад битта: ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ

Тошкент кимё-технология институтида мамлакатимиз сиёсий ҳаётда муҳим ўрин тутадиган сайловларга тайёр-гарлик ишларининг олиб бо-рилиши юзасидан мулоқот бўлиб ўтди.



ПАРЛАМЕНТНИНГ КУЧ-ҚУВВАТИ, САЛОҲИЯТИ ЭРТАГА КИМЛАР ДЕПУТАТ БЎЛИШИГА, КИМЛАР ДЕПУТАТ БЎЛИШИ ЭСА ҲАР БИРИМИЗ ЎЗ ФУҚАРОЛИК БУРЧИМИЗНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА АНГЛАШИМИЗГА БОҒЛИК

Мулоқот жонли, қизгин баҳс ва мунозараларга бой бўлди. Мақсад битта: яқинлашиб кел-лаётган сайловлар олдидан фикрлашиб олиш, тўғри йўлни танлаш, фаолликни янада оширишдир.

Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ҳаётдан

ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИ ПЛЕНУМЛАРИ

Ўзбекистон ХДП Гулистон, Бекобод, Ну-кус, Тахиташ, Андижон, Асака, Хонобод шаҳар, Шахрисабз, Чироқчи, Деҳқонобод, Китоб, Беруний, Қўнғирот, Қанликўл, Мўйноқ, Тахтақўл, Тўртқўл, Хўжайли, Шуманай, Эллиққалъа, Балиқчи, Бўа, Жа-лақудуқ, Избоскан, Қўрғонтепа, Марҳамат, Олтинқўл, Хўжаобод, Шахрихон, Сарносиё, Денов, Музработ, Ангор, Бандихон, Ше-робод, Жарқўрғон, Узун, Қизирик, Тер-низ, Қумқўрғон, Шўрчи, Сайхунобод, Пеш-

ку, Вобкент, Қоровулбозор, Қорақўл, Уйчи, Чўст, Янгикўрғон туман кенгашларининг навбатдаги пленумлари бўлиб ўтди. Пленумларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига Ўзбекистон ХДПдан номзодлар кўрсатиш масаласи муҳокама этилди. Сўзга чиққанлар кўрсатилётган номзодлар ва бўлиб ўтажак сайловларда партияташкилотларининг иштироки масалалари юзасидан таклиф, фикр-мулоҳазалар билдирдилар.



«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

ИШГА ТИКЛАНДИ

Газетамизнинг шу йил 7 сентябрь сонидан «Концерт қўйгани учун ишдан бўша-тилди» сарлавхали мақола босилган. Унда Хўжайли ту-мани маданият ишлари бўли-ми бошлиғи А.Пирлепесова ўз вазифасидан ноқонуний бўшатилгани хусусида муло-ҳазалар билдирилган эди.

Қорақалпоғистон Респуб-ликаси прокурорининг ўрин-босари, адлия катта масла-ҳатчиси С.Иматов имзоси билан келган биринчи жавоб

ариза киритилганлиги хабар қилинган эди. Кеча мақола юзасидан ик-кинчи жавоб хати келди: «Қорақалпоғистон Рес-публикаси Маданият ишла-ри вазирлигининг 2004 йил 13 октябрдаги 62-ж сонли буйруғи билан А.Пирлепесова Хўжайли тумани ма-даният ишлари бўлими бо-шлиғи лавозимига қайта тикланди. Шунингдек, унга 2 июль-14 октябрь оралиғи учун иш ҳақини тўла равишда тўлашга қарор этилди.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
XALQ BANKI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKIDORGA NAMKORI
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbmn.uz E-mail: info@tshbmn.uz va Birja@mail.tps.uz

O'zbekiston havo yo'li
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22
WWW.aloqabank.uz E-mail: info@aloqabank.uz

Дуққат: сайлов яқин!

САЙЛОВГА САЙЛОВЧИЛАР ТАЙЁРМИ?

Шу саволга жавоб излаб пойтахтимиз кўчалари, бекатлари, бозору дўконларида бўлиб, айрим ҳамюртларимиз билан суҳбатлашдик

Шу йилнинг 26 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорги Кенгеси, халқ депутатларига депутатлар сайлови бўлиб ўтади. Бу сайловларнинг, сайланажак депутатларнинг олдинчилари-дан фарқи ҳақида оммавий ахборот воситаларида, турли учрашув ва давра суҳбатларида кўп бор айтилмоқда.

Сайлов аслида сайловчининг — халқнинг хоҳиш-иродасини аниқлаш учун ўтказилади. Сайлов натижалари сайловчиларнинг овозига боғлиқ. Хўш, бугун фуқароларимиз бўлажак сайловлар қонун-қоидаларидан нечоғлиқ хабардор?

Тошкент шаҳри кўчалари, бозор ва бекатларида юриб, кичик социологик тадқиқот ўтказдик. Унда асосан учта савол қўйилди: 26 декабрь куни мамлакатимиз

ҳаётида қандай воқеа содир бўлади? Бу галги сайловларнинг олдинчиларидан фарқи нимада? Сиз қайси сиёсий партиялар фаолиятдан ахшироқ хабардорсиз?

Биринчи бўлиб саволларимизга **Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти докторанти Камолиддин ЗОЙИРОВ** жавоб берди:

- 1. Билмадим.
2. Нима десам экан... Икки палатани билдим бўлади... Шу...
3. Бирортасини ҳам билмас эканман...

У кишидан сўнг 20-22 ёшлардаги йилит билан галлашдик.

- 1. Эшитишимга қараганда сайлов бўлар экан?
2. Парламент икки палатали бўлади.
3. Билмайман.

Муаттар ОЛЛОЁРОВА, Тошкент давлат юридик институти 2-курс магистри:

1. Ўша куни мамлакатимизда сайловлар бўлиб ўтади.
2. Жамият тараққий этган сари турли соҳалар каби қонун чиқарувчи ҳокимият ҳам шаклланиб, такомиллашиб боради. Шунинг учун бу йил мамлакатимиз тарихида илк бора икки палатали парламент учун сайлов бўлади. Унинг яна бир янгиллик томони шундаки, энди маҳаллий давлат ҳокимият органлари депутатлиқка номзод кўрсатмайди.
3. Янги ташкил этилиб, тарғибот-ташвиқот ишлари зўр олиб борилаётгани учун Либерал демократик партияни биламан. Халқ демократик партиясининг баъзи тadbирларида иштирок этганман. Қолганларининг фақат номини биламан холос.

Дилноза НОМОЗОВА, ЎзДЖТУ талабаси:

- 1. Сайлов бўлади.
2. Газеталардан ўқиб оларман...
3. Миллий тикланиш партияси бир марта университетимизда учрашув ўтказган.

Сўнг йўлимизни Чорсу бозори томон бурдик. Пойфазалимизни таъмирлатиш баҳонасида этиқдўзларни саволга тутамиз.

1. Икки палатали парламент бўлади. Кечирасиз, парламентга сайлов бўлади, — дея жавоб берди ўзини **Раъшан НОРМИРЗАЕВ** деб таништираган уста.

2. Илгари депутатлар бўларди. Энди сенаторлар ҳам бўлади.
3. Улар ҳақида билмайман.

Сўнг айланиб кўкат сотаётган аёлнинг олдига бораман. Кўкатларнинг баҳоси билан қизиқаман. Шу баҳона билан саволларимга жавоб олмақчи бўлам.

— Мен қайқдан биламан, — деб жавоб берди у биринчи саволимизга. Иккинчи саволимизга эса «мен унақаларни умуман билмайман», деган жавоб олдик. Учинчи саволни бериш ортиқчадек туюлса-да, ба-

рибир бердик. «Унақалардан кейин юраман мен» деб жавобни қисқа қилди у.

— Бу болам сайловни сўрапти шекилли, дея сўхбатимизга қўшилиб холанинг ёнгинида узум сохтаётган амаки. (У киши бизни кузатиб турганди.) Сўнг бизга юзланиб:

— Мен **АБДУКАРИМОВ Жўрабой**, боғбонман. Депутатлар сайловини сўраясизми?

— Ҳа шундай амаки, деймиз-у, иккинчи саволга ўтамиз.

— Авалгиларига нисбатан янада эркин, ошқора бўлади, дейишяптику. Фарқи шу бўлса керак-да.
— Партиялар кўп. Лекин халққа амалий иш керак. Бошқа гапим йўқ. Сўнг айланиб «Болалар дунёси» супермаркетига кираман. Болалар ўйинчоқлари билан савдо қилаётган аёлни суҳбатга тортаман.

1. Сайлов бўлади...
У бошқа саволларимизга «билмадим» дея жавоб берди.

«Чорсу» бекатидаман. Башанг кийинган 25-30 ёшлардаги йилитни саволга тутдим.

1. Билмадим. Нима бўларкан?
— Олий Мажлисининг...

Энди гап бошловдим у «Э-э, қўйсангизчи шуни. Мен ҳеч нарса билмайман», деди-ю нари кетди. Бу йилит ўзини шу тарзда тутганларнинг биринчиси эмасди.

Биз суҳбатлашган одамларнинг аксарият қисми мамлакат ҳаётида қандай воқеа содир бўлаётганига умуман бепарқ. Унлаб фуқаролар биз билан мулоқот қилишни умуман хоҳламади. Баъзилари эса, «Э-э, қўйсангизчи, шуни», «Мен сиёсатга аралашмайман, керакмас», «Мен сиёсатдан йироқман» деб саволларга жавоб қайтармади.

Тўғри, одамларимиз анча уятқан. Диктафонга қараб гапиришдан тортинишади ҳам. Аммо, ўз ҳақ-ҳуқуқларимиз, тақдиримиз билан

боғлиқ масалада гапиришни қачон ўрганамиз?

«Мен сиёсатга аралашмайман», «Мен ҳеч нарса билмайман, билишни ҳам истамайман» дегувчилар эртага бир муаммога дуч келишса «Вой-дод қонун борми, ҳақиқат борми?» дея айюханнос кўтаришади. Ўша қонунларни ишлаб чиқадиган депутатларни сайлаш, сайловда фаол иштирок этишга келганда эса ўзларини «менга нима» қабилда туттишади. Буни қандай баҳолаш мумкин? Лоқайдликми, саводсизликми?..

Биз кўпгина фуқароларга қўшимча яна битта савол билан мурожаат этдик. **Агар мавжуд бешта сиёсий партиядан кўрсатилган номзодлар сизни қониқтирмаса, бу вазиятда қандай йўл тутган бўлар эдингиз?**

Бу саволимизга икки киши — ТДЮИ магистри Муаттар Оллоёрова ҳамда ўзини таништиришни хоҳламаган бир респондентимиз «Ташаббускор гуруҳ тўзиб, ўзим маъқул деб ўйлаган инсоннинг номзодини кўрсатар эдим», деб жавоб берди.

Айримлар эса «билмадим», «бирор нарса қилармиз», «ахшироғини танлармиз»дан нарига ўтмади.

Табиий савол туғилади: нега бундай? Бу бепарволик совет тузумидан «мерос» бўлиб қолганми? Наҳотки, 13 йил давомида ўз ҳақ-ҳуқуқимизни чуқурроқ англаб олмадик? Сайлов нима, депутат ким, деган саволлар устида ўйлашга қачон ўрганамиз? Ахир бош саволимизда Ўзбекистон Республикасида фуқаролар давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки ўз вақиллари орқали иштирок этишлари кафолатланган-ку.

Фуқаролик бурчимиз, конституциявий ҳуқуқимизга келганда айримлар нега бунчалик бепарво?..

Беход ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири

Норинда булоқлар кўп. Улардан бири Чўжа-Ҳаққулбод йўли бўйидаги Учтепа қишлоғида жойлашган. Қирқ кўли деб аталадиган бу кўна булоқ тевараги обод — оромгоҳ, Анча олдин олимлар булоқ суви таркибида инсон организмни учун фойдали бўлган микроэлементлар бор-

лигини аниқлашганди. Илмий хулосалар фермер Зокиржон Мусаевга ғайрат бағишлади. Яқинда булоқ қошида қадқолаш цехи очилди. Зарур меъририй ҳужжатлар, жумладан, мувофиқлик сертификати билан цехда 10 нафар киши иш бошлади. Айна пайтда кунига 1000 донадан ярим литрлик шиша идишларга тозаланган, газланган булоқ суви қўйилмоқда. Цех тўла қувват билан иш бошлагач, кунлик сув қўйиш 5000 шишага етади.

Шоҳ ва шоир Бобур Мирзонинг ўз сарбозлари билан бу масканда кўп бор хордик чикарган ҳақидаги тарихий битиклардан келиб чиқиб, маҳсулот «Бобуршоҳ чашма суви» деб номланди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

ҚИРҚ КЎЗЛИ БУЛОҚ

лигини аниқлашганди. Илмий хулосалар фермер Зокиржон Мусаевга ғайрат бағишлади. Яқинда булоқ қошида қадқолаш цехи очилди. Зарур меъририй ҳужжатлар, жумладан, мувофиқлик сертификати билан цехда 10 нафар киши иш бошлади. Айна пайтда кунига 1000 донадан ярим литрлик шиша идишларга тозаланган, газланган булоқ суви қўйилмоқда. Цех тўла қувват билан иш бошлагач, кунлик сув қўйиш 5000 шишага етади.

Шоҳ ва шоир Бобур Мирзонинг ўз сарбозлари билан бу масканда кўп бор хордик чикарган ҳақидаги тарихий битиклардан келиб чиқиб, маҳсулот «Бобуршоҳ чашма суви» деб номланди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

Одинхон НАСРИТДИНОВА, жасур ишлари бўйича Андижон вилоят суди судьяси

«Қачонки раҳбарнинг юраги ҳам, қўли ҳам тоза бўлса, таъмадан, гараздан йироқ бўлса, унинг табиатида қатъиятлик билан вазминлик, талабчанлик билан ақлзаковат уйғун бўлса, фақат шундагина у одамларнинг гам-ташвишини ўз қалбидан ўтказишга қодир бўлади».

Мамлакатимиз раҳбари бу сўзларни халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг навабдан ташқари сессиясида айтган эди. Бу гапларни эсларканман шу йилнинг 27 май куни УзР ЖКнинг 210-моддаси 3-қисми «б» бандига асосан 12 йилга озодликдан маҳрум этилган, Чинобод қурилиш касб-хўнара коллежи директори Шухрат Садириднов кўз ўнгимда гавдаланди. Ахир тағдида хизмат машинаси, обрў-эътибори бўлса, давраларда «ўтинг-ўтинг, домла» деб ҳурматлашса, нима керак эди унга?

Алқисса, шу ерлик фуқаро А.Маҳмадов 2003 йил август ойида Чинобод касб-хўнара коллежининг «Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати» йўналиши бўйича ўқишга қабул қилинган. Орадан бир қанча вақт ўтгандан сўнг унинг онасини чақиртириб, «ўлингиз ўқишга ўтиди, 300 минг сўм олиб келинг, акс холда у талабалар рўйхатидан ўчирилади», дейди дабурустан директори. Таъмагирлик йўли билан пора талаб қилади. Бу ҳолат иккин-

Жиноят жазосиз қолмайди

НОҲАЛОЛ ЙЎЛ

ЮЗНИ ҚОРА ҚИЛАДИ, БАХТСИЗЛИК КЕЛТИРАДИ

чи марта такрорлангандан сўнг Азиза Маҳмадова 2 тонна кунжар олиб келиб бераман деб айтди. Қараса, кунжарани ҳам моллар «пақос» туширишган экан. Сўнг онаизор кўзини чирт юмди-да, шу йилнинг 21 январь куни эса талабанинг онаси директор ҳузурига пул билан келди. Олди-берди низо-ясига етгандан кейин ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан қўлга олинди.

Элик ёшдан ошган, беш нафар фарзанднинг отаси, каттагина билим даргоҳининг раҳбари энди умрининг азиз онларини темир панжара ортида ўтказётганлиги ачинарли албатта.

Улугбек Қўчқоров ўттиз ёшдан сал ошган. Жиноят ишлари бўйича Олтинқўл туман суди шу йилнинг 22 июлида унга нисбатан чиқарган ҳукми ўзгартириш қолдирилди. Апелляция шикоят қаноатлантирилмади. Айримлар назарида

судланувчига нисбатан бироз шафқатсизлик бўлибди-да, деб ўйлаши мумкин. Лекин, унинг тўртинчи мартаба судлангани эканлигини билсангиз, жазо муносиб эканга ишонасиз.

Жиноят қайта-қайта қўл урган бу шахс ҳам мансабдор. У «Хожиақбар АНД» хусусий фирмасини бошқарган. Билатуриб «Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш» жиноятини содир этган. Биринчи, иккинчи ва тўртинчи жиноятлари худди ана шундай УзР ЖКнинг 184-моддаси турли қисмлари билан «малакаланган»лигини ҳисобга олсак, уни тавбасига таянмайдиغانлар хилдан эканлигига амин бўласиз.

Раҳбарнинг иш «тўтимига» эътибор берамиз: фирма биргина 2003 йил март-декабрь ойларида 435 миллион 325 минг сўмлик товар айланмасини амалга оширган. Бирок, ДСИга тақдим қилинган маълумотномага 99 миллион 284 минг сўм деб кўрсатган. Натияжада каттагина миқдордаги мажбурий тўловларни тўлаш-

дан бўйин товланган. Шунингдек, 2004 йил апрелида «Хожиақбар АНД» хусусий фирмаси Бобур номдаги Андижон ил-йигирув ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятига 327 миллион 592 минг сўмлик маҳсулот етказиб берган. Эвазига ҳиссадорлик жамиятидан 259 миллион 323,4 минг сўмлик маҳсулот олган. Фирма шу йил 15 апрель ҳолатида 77 миллион 18,7 минг сўм ҳақдор эканлиги аниқланган. Бирок, У.Қўчқоров ДСИга топширган ҳисоботларда бу ҳолатлар кўрсатилмаган.

Каттами-кичикми ҳар бир раҳбар ўз жамоаси тақдирига масъул бўлади. Ишчи-хизматчилар раҳбар хатти-ҳаракати-га қараб қадам ташлайди. Бу икки раҳбар содир этган жиноятлар кўриниши жиҳатдан икки хил бўлса-да, мазмуний ўхшаш: бирида порахўрлик, иккинчисинда қаллоблик, кўзбўямачилик. Ҳар иккаласи ҳам на ишона шашни, на ўз оиласи тақдирини ўйлади. Оқибати — бир хил. Юзикаролик, озодликдан маҳрумлик.

Юртбошимиз халқ депутатлари Андижон вилоят кенгаши сессиясида «...олинган тушум қассага эмас қиссага кетаверса, банкка пул тушмаса, биз фуқароларимиз олдидаги ижтимоий мажбуриятимизни қандай бажарамиз?» дея қўйиниб гапирган эди. Тўғрида, меҳнатқаш омма маошини, фахрийлар нафақасини, талабалар стипендияларини, кам таъминланган оилаларнинг ёрдам пулини, ўқувчи ва шифокорларнинг иш ҳақини банкда пул бўлмагандан сўнг нима ҳисобдан тўланади? Биргина раҳбар солиқ қонунчилигини тўрт марта бузса...

Ахир маъсуляти, ҳалоллик, куч ва ирода бор жойда жамикчи ишлар олға силжийди, ютуқлар кўпаяди, максаллар рўёбга чиқади-ку! Бунга энг аввало раҳбарлик курсинида ўтирган ҳар бир шахс амал қилса яхши бўларди.

Одинхон НАСРИТДИНОВА, жасур ишлари бўйича Андижон вилоят суди судьяси

мизда сўғориладиган майдонларимизнинг 50 фоизи шўрланиб кетган, бу ҳам чўлланишнинг орттишига олиб келяпти.

Яна бир сабаб, Навоий, Жиззах вилоятлари худудидagi Айдаркўл муаммосидир. Биламизки, бу суний кўлга одамларнинг антропоген таъсири катта бўлди,

лан гидравлик ҳолда қўшилиб қолган. Олимлар шу кўлларда балиқ урчишни тақлиф қилганди. Балиқлар бу шўр сувда рақ касалига чалиниб, қирилиб кетди, қирқоқлардаги нобуд бўлган касал балиқларни еган қўш, паррандаю даррандаларга ҳам қирон келди. Яъни табиатдаги

лаб мувозанат бузилди. Бундан ташқари сўғориладиган деҳқонлик ерларимизнинг шўрини ювмиш, айниқса, Сирдарё вилоятидаги майдонлар тупроқлари деярли шўрланиб кетган. Ҳар йили деҳқонлар шўр ювади, шўр сув қаерга ташланади, табиатта ташланапти.

Ахвол шу кетишда давом этса, келажакда, жаннатмақон дея таърифланган худудда, саҳроланиш жараёни тезлашиб оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Биласизми, бир воқеа қайта-қайта ёдимга тушади. 1967 йиллар, талабалар пайтларимиз, қўлимга тақилли бир ботаник олимнинг китоби тушиб қолди, кириш қисмида: «Агар биз табиатга, Орол-

Сайловлар тўғрисида саволингиз борми? ПАЛАТАЛАРГА КИМЛАР РАҲБАР БЎЛАДИ?

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН СИРТҚИ МУЛОҚОТ

Сайловчилардан тушаётган саволларга жавоб қилишда кўмак беришни сўраб, бу гал Тошкент давлат юридик институтининг ўқитувчиси, ҳуқуқшунос Тангир АҲМЕДОВдан илтимос қилдик.

«...Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ким раҳбарлик қилади-ю, Сенатни ким бошқаради?»

Ўтабой ЎНГАРИЁЕЗОВ, Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот туман алоқа ва телефон тармоқлари идораси хизматчиси

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига палатанинг ўз таркибидан сайланган Спикер раҳбарлик қилади. Шунингдек, палата Спикери сайланаётганда унинг ўринбосарлари ҳам сайлаб олинади. Спикер ва унинг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан палата ваколат муддатига сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ҳам унинг ўз таркибидан сайланган Сенат Раиси раҳбарлик қилиб, ўринбосарлари ҳам Сенатда тасдиқланади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86-моддасида белгиланган бўлишига қарамай, Сенат Раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдими билан сайланади ва унинг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон Республикасининг вакили бўлади. Раис ва унинг ўринбосарлари Сенат йиғилишида яширин овоз бериш орқали (сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан) Сенат ваколати муддатига сайланади.

«... Жаҳон парламентларининг юқори палатаси аксарият ҳолларда Сенат, сенаторлар деб юритилиши билан. Лекин унинг асл луғавий маъноси нима?»

Вилоят ва шу вилоят худудидagi шаҳар ҳамда туманларнинг вакиллик органлари депутатлари қўшма мажлисларида Сенат аъзоллигига кўрсатиладиган олти нафардан номзод вакиллари эгзаллаб турган амал (лавозим)ларига қараб кўрсатиладими?

Қадам БЕКҶОНОВ, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, темир йўл хизмати ходими

Сенат — халқаро доирада мавжуд юқори палаталарнинг юридик атамаси. У аслида латинча «Senet» сўзидан олинган. Мазалан, Қадимги Римда илк давлатчилик вужудга келган замоналардан бери давлат ҳокимияти Олий органининг номи «Senet» деб ишлатилиб келинган. Луғавий маъзунчи — оқсоқоллар кенгаши ёки маслаҳат органи деган маъноларни аналтади.

Демак, Сенат аъзолари — сенаторлар ҳар қалай (эгаллаган лавозимидан қатъи назар!) ҳаётий тажрибага эга, эл-юрт орасида ўз салоҳияти билан обрў-эътибор қозонган, фуқароларга энг оқил ва энг тўғри йўл-йўриқ кўрсата оладиган, маслаҳат бера оладиган, энг муҳими — мамлакат ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётида маънавий турмушини, унинг ўзига хос миллий менталитетини ақс эттирувчи қонунчилигимизнинг мазмун-моҳиятини тушуна оладиган ташаббускор, ташкилотчи фуқаролар бўлмоғи керак. Шунинг учун ҳамки у — Сенат! Луғавий маъноси бера айтганимиздек, оқсоқоллар кенгаши, маслаҳат органи. Табиийки, унга шунга муносиб фуқаролар кўрсатилади.

Матнларни Номоз САЪДУЛЛАЕВ тайёрлади.

САМАРҚАНДА БУТУНЖАХОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ БЮРОСИ

Тошкентда «ТТФ-2004» — «Буюк ипақ йўли» ўнинчи халқаро сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда Хорватия, Кипр, Россия, Украина, Туркия каби жаҳоннинг 30 дан ортик мамлакатидан сайёҳлик ташкилотлари ва фирмалари иштирок этди. Ярмарка қатнашчилари соҳа бўйича ишланмаларини тақдим этдилар, ўзаро тажриба алмашдилар, ҳамкорлик шар-

тномаларини имзоладилар. Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти Буюк Ипақ йўли бўйича сайёҳлик йўналишини ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. Шу боис Самарқандда Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилотининг бюроси очилди. У мамлакатимизга қўпроқ сайёҳларни соҳа бўйича ишланмаларини тақдим этдилар, ўзаро тажриба алмашдилар, ҳамкорлик шар-

ЧЎЛЛАНИШНИНГ

у чўлланишни тезлаштиряпти. Қўл, сув неғиз қулангирди, деган савол туғилиши мумкин. Қозонистон ва Ўзбекистон давлатлари ўртасидаги, транскаравий Чордара сув омборидagi ортиқча сув Айдар шўрхоқлигига, тузли ерга ташланган, натижада тузли, шўр кўл пайдо бўлди. Хозир шу тузли сув, тахминан, узунлиги 100-150 километр, энига 40-50 километрлик яйловларимизни эгаллаб олди. Шўр сув остида қанча табиий тўқайзорлар қолиб кетди, буталар, усмилк дунёсини «тузлаб» ташладик, яйловлар йўқолиб кетди. Шу жойда бир вақтлар Тузқон кўли бўлган, лекин унинг ҳажми унча катта бўлмаган. Уша Тузқон кўли ҳам Айдаркўл би-

глаб етолмагандик, жабрини бугун табиб турбимиз. — Бугун табиатга муносабат тубдан ўзгарди, яъни давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Хўш, айтингчи, олимларимиз бундай экологик муаммоларнинг ечимини топаётими? — Муаммоларнинг ечимини, аввало, ҳар биримиздан, табиатга, борлиққа мувозанатли сақлаган ҳолда муносабатда бўлишни талаб қилади. «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази олимлари, чўлланиш жараёнининг олдини олиш ва экология лабораториясини илмий ходимлари чўлланиш муаммоларини ҳал этиш устида тадқиқотлар олиб борапти.

ҚИШЛОҚДА СПОРТ МАЖМУИ

Вобкент туманида спорт мажмуалари сони яна биттага кўпайди. «Пахтакор» ширкат хўжалигининг Кўжинча қишлоғида замонавий спорт мажмуи фойдаланишга топширилди.

— Бу ишда тендерда голиб чиққан 1-сон «Вилоят-қурилиш» ҳиссадорлик жамиятлари уюшмасининг тумандаги 201-хўжалиқлараро кўчма механизациялашган жамланмаси жамоаси яқиндан кўмак берди, — дейди туман ҳокими ўринбосари Ахор Худойқулов. — Тез ва шинам меъморий ечимда қурилган бу спорт иншоотига 167 миллион сўм сарфланди. Эътиборлиси шундаки, мажмуанинг ички қисмидан волейбол, баскетбол майдончалари, стол теннис, бадий гимнастикага мўлжалланган зал, шохмат-шашка хоналари ўрин олган бўлса, ташқи қисмида футбол, волейбол, теннис, ядро ва диск улоқтириш, узунликка ва баландликка сакраш, югуриш йўлаклари бор.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Экология

Инсониятни ташвишга солиб турган глобал муаммолардан бири — Ер шарни қуруқлик қисмининг тобора чўлланиб, саҳролашиб бораётганидир. Дунёда 250 миллион киши чўлланиш жараёниндан азият чекмоқда, бир миллиард аҳоли эса ана шундай хавф мавжуд шарафатга эҳтиёт. Минтақамизда ҳам чўлланиш давом этапти, жумладан, Ўзбекистон худудидида бу жараён кескин тус олиб бормоқда.

Нега чўлланиш тезлашяпти? Чўлланишдан сақланиш, уни тўхтатиш мумкинми? Мухбиримиз шу каби саволлар билан биология фанлари доктори, профессор Тошхон РАҲИМОВАга мурожаат этди.

— Тошхон Тўймухамедовна, ер юзи аҳолиси, бугунга келиб саҳроланишдан азият чекапти, жумладан, биз ҳам. Айтингчи, ерларимиз нега кўриб борапти? Сабаби нимада?

— Бу ўзимиз, одамзотнинг табиатга етказган зарарининг аччиқ меvasи, яъни борлиққа қўрсатилган антропоген таъсирларнинг оқибати. Табиий ўрмонларнинг қисқариши, Орол денгизининг қуриши катта майдонларда шўрли чўлланиш пайдо қила

Шарҳ

Хабарингиз бор, яқинда Душанбе шаҳрида «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Унда Россия Федерацияси бу ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов: «Россиянинг МОҲга аъзо бўлиши табиий ва қонуний жараён» деди.

РОССИЯ ВА МОҲ: ЎЗАРО ИШОНЧ БЎЛСА...

ёзилаётган бўлса-да, аслида МОҲни ташкил этиш гоёси 2001 йилнинг декабрида Тошкентда тутилган эди. Ўзбекистон раҳбари ана шундай ташаббус билан чиқди. Бу ташаббусни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон раҳбарлари маъқуллашди ва Тошкентда президентларнинг Баёноти қабул қилинди. Кейинги йилнинг февраль ойида эса Баёнотда ифодаланган гоё асосий ҳужжат — шартнома имзоланган расмийлаштирилди. Ҳўш, нега Марказий Осиёда шундай ташкилот таъсис этиш зарурати туғилди? Бу ерда минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ долзарб муаммоларни биргаликда ҳал қилишдан ташқари ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишда ҳам қатор муаммолар юзга келди. Бу нарса, аввало, сув заҳираларидан унумли фойдаланишда, транспорт инфратузилмаларини такомиллаштиришда, эркин савдо ҳудудларини шакллантириш тизимларида ва иқтисодийнинг бошқа бир қатор муҳим тармоқларида кузатилади. Шунингдек, минтақадаги интеграция жараёнларининг аҳоли ва истиқбол билан боғлиқ масалалар ҳам қўн тартибга чиқа бошлади. Бу масалаларни ўзаро фикрлашиб ва масалаларни ҳар бир давлатнинг ва бутун минтақанинг манфаатини қўзғаб биргаликда ҳал этиш зарурати МОҲни ташкил этишни тақозо қилди.

йил мобайнида ташкилот фаолиятида жўшқинлик, ташаббускорлик, қўн тартибдаги масалаларни ҳал этишда изчиллик ва қатъиятлик кузатилади. Ана шу даврда МОҲга аъзо давлатлар раҳбарларининг Октовдаги, Душанбедаги, Остонадаги учрашувларидан ташқари Тошкентда минтақа ишбилармон доираларининг бизнес-форуми, ташкилотга аъзо мамлакатлар парламентлари вакилларининг йиллиги ўтказилди. Бу учрашув ва тадбирларда жуда кўп масалалар муҳокама қилинди, муаммоларни ҳал қилиш юзасидан ечимлар изланди, муҳим ҳужжат-

ва хавфсизликни таъминлашда ҳам бу давлат муҳим ўрин тутди. Ана шундан келиб чиқиб ҳулоса қилинадиган бўлса, Душанбе саммитида Россиянинг МОҲга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиши табиий ва қонуний жараён деган фикрларни қўллаш зарур. Демак, МОҲга янги ҳаракатланувчи ва ҳаракатланувчи қўн пайдо бўлди. Назаримда бу шундай кўчи, унинг имконият ва салоҳияти нафақат ихро механизмидаги маромга, балки муроасага кўнмаслик, ўз фикридан қайтмаслик, бир томонлама манфаатдорлик, қарама-қаршилик, тушунмовчилик, қатъиятсизлик ёки айтайлик, қўшига ён бос-

ИРОҚЛИК ГВАРДИЯЧИЛАР ҲАМ


Абу Мусаб ал-Заркави гуруҳи Ироқ миллий гвардиясига кирган 50 кишини ўлдирган, деб хабар қилади Associated Press агентлиги. Шанба кўни Баакуба шаҳри атрофида Қирқуш ҳарбий базаси таркибидagi 50 нафар ҳарбий хизматчи қўнмишган жой топишган. Полиция маълумотларига қўра, уйдагиларни қўриб келиш учун кетаётган аскарлар қўрсиз бўлишган. Афтидан жангарилар гвардиячиларга ҳужум қилишган.

АҚШ ЭЛЧИХОНАСИДАГИ БОМБА

АҚШнинг Тбилисидagi элчи-хонаси биносидa портловчи қўрилма топишган. Грузия давлат хавфсизлиги вазирининг хўдмилари, кинолешгар воқеа жойига етиб келтишган. Хўдуд атрофи текширилмоқда ва ҳуқуқ-тартибот хўдмилари томонидан қўриш олинган. Элчи-хона биноси Тбилис марказида парламент ва давлат девонхонаси яқинида жойлашган. Дипломатия ваколатхонаси олдидан ҳуқумат йўли ҳам ўтди.

МЕХНАТ ПАРТИЯСИ ОЛДИНДА

Дастлабки маълумотларга қўра, Литвада 24 октябрь кўни ўтказилган парламент сайловларининг иккинчи босқичида Виктор Успаскис бошчилигидаги Меҳнат партияси етакчиликл қилмоқда. Марказий сайлов комиссияси берган маълумотларга қўра, Меҳнат партиясидан бир мандатли округлар бўйича қўйилган номзодлар сиймада 16 ўринни эгаллади. Парламентга сайловларнинг биринчи босқичида Меҳнат партияси 22 ўринни қўлга киритганди. Бош вазири Альгирдас Бразаускас бошчилигидаги социал-демократик партия ва Литва сийма спикери Артурас Паулаускас раҳбарлигидаги «Новый союз» социал-либерал партиялар коалицияси иккинчи ўринда бормоқда.



Литва сиймига депутатлар аралаш тизим бўйича: 50 фойза (71 депутат) — мажоритар округларда ва 50 фойза (70 депутат) — партия рўйхатлари бўйича сайланадилар. Партиялар сайловчиларнинг камида беш фойза овозини олишлари, коалициялар эса етти фойзлик тўсиқдан ўтишлари керак. Литва қўнчилигида мувофиқ, бир мандатли округлардаги сайловчиларнинг камида 50 фойза овозини олган номзод фойли деб ҳисобланади. Бунда сайловчилар рўйхатига киритилган барча кишиларнинг камида 40 фойза сийловларда катнашган бўлиши керак. Иккинчи босқичда эса овозларнинг оддий қўнчилигини олган номзодлар фойли бўлишди. Сийма сайловларининг биринчи босқичи 10 октябрда ўтган.

ИСРОИЛ ТАНКЛАРИ ҲАЗО ЖАНУБИДА



Исроил мудофаа армияси Хон-Юнис қўнчилар манзилгоҳидаги (газо минтақаси жануби) фаластинлик экстремистларни йўқ қилиш бўйича амалиётни ўтказмоқда. ЦАХАЛнинг учувчисиз самолети манзилгоҳга ракетадан зарба берган, натижада бир фаластинлик полициячи ўлган, олти нафари ярадор бўлган. Исроилнинг 20 дан ортиқ танки минтақага кириб, Хон-Юнис ва Гуш-Катифдаги яҳудийлар манзилгоҳлари ўртасидаги стратегик манзилни эгаллаган. Исроил мудофаа армияси вакилининг баёнотида қўра, амалиёт Хон-Юнис яқинидаги яҳудийлар манзилгоҳлари ракетадан ўққа тутилишининг олдини олишга қаратилган. Унинг айтишича, дам олиш қўнчили Гуш-Катиф туманидаги манзилгоҳларга қарата экстремистлар томонидан 28 та ракета отилган.

Фанга маълумки, ўсимликлар билан қўнланган ҳўлатда сақланган ҳўдудлар чўлланиш даражасининг пассивлигида муҳим аҳамият касб этади. Биз Қизилқўм чўлида, Орол денгизининг тўбидa фитомелиорация (ўсимликлар истириш) ишларини олиб бораёلمиз. Хўдудимиздаги энг катта майдон-

ро, Жиззах, ҳатто Сирдарёгача етиб келаяпти. Қўм бурчунинг олдини олиш учун денгиз тўбига ва атрофида қўм қўнчиларига чўдмаларни ўсимликлардан фитомелиорация ишларини амалга оширяймиз. Натига, ёмон эмас. Саксовул, чатко, кейрут, шувок турлари, жингил, черкезга ўшаган 40

ҳам, назаримда, даштни ёдими содди, гўе чўлланиб қолганда. Тоғ табиятининг бундай яланғочлиги қўнчилига нима сабаб бўлган? — Ўзбекистон ҳўдудининг деярли 85 фойзини чўллар ва ярим чўллар эгаллаган, чўл экотизмлари қўмили, шўрқоқли, соз

Тоғнинг энг баланд яйллов қисмида қўз, қўида чўрава боқиялди. Бундан ташқари бизда ҳавонинг ифосланиши даражаси ҳам баланд, сабаб, кейинги 15 йил ичида саноатда ишлаб чиқариш 7 бараварга ошган, завод, фабрикалардан чиқаятган тўтун, чанг ҳавони булғаяпти. Бундан ўсим-

логик Жамғармаси (ГЭЖ) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиш Дастури ёрдами билан Ўзбекистон сийолида иқлимнинг ўзгариши бўйича ҳўдудий тадиқотлар ўтказмоқда. Хўрижлик ҳамкасбларимиз украинлик, америкалик олимлар билан қўм қўнчилининг олдини олиш лойиҳаси устида ишлаяёلمиз, грант олишга ҳаракат қиляёلمиз. Чўки саҳроланишнинг асосий сабабларидан бири қўм қўчиш ҳодисасидир. Қўм қўчиш жараёнини тўхтатиш учун елимсимон сўюқлик махсус аппаратлар ёрдамида майдонларга гурқлар экан. Гел қўнчили юзасини пардасимон қўллаб, боштириб туради. Қўмга чидамли ўсимлик уруги сепиллади, қизича, уруг бемалол ниш уриб, гел «пардани» ёриб чиқаверади.

Табиат — инсониятнинг умумий, уни асраш, авайлаш ҳар биримиз учун қарз ва фарздир. Инсон энг буюк бунёдкор, табиатдаги ҳар қандай салбий ўзгаришларни ўз онг-тафаккури билан тўзатишга қодир, зеро, саҳро «салтанати» пайдо бўлишига ҳеч қачон йўл қўймайди.

Сўхбатдош: Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири

ҲУҚУҚШУНОСЛАР ТАЖРИБА АЛМАШМОҚДА

Ўзбекистон ва Япония ўртасида тобора ривожланиб бораётган икки томонлама алоқалар нафақат иқтисодий, балки ҳуқуқий соҳаларга ҳам тааллуқли. Бу ўринда қўн чиқар мамлакатининг халқаро ҳамкорлик ташкилоти — Жайка ҳамда Ўзбекистон Адлия вазирлиги ўртасидаги самарали алоқаларни айтиб ўтиш мумкин. Хўсусан, Адлия вазирлиги томонидан қўнчилиликни такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқшўно кадрлар тайёрлашда Жайка билан ҳуқуқий соҳада йўлга қўйилган илмий-амалий тажриба алмашуви ўз самарасини бермоқда.

Жайқанинг фаолияти хўрижга мутахассислар юбориш, илмий семинар ва конференциялар ўтказиш, техник ва ўқув қўнчаларини ажратиш каби тадбирлар икки мамлакат халқларининг менталитети ҳамда анъаналарига таънаган ҳўлда олиб борилади. Ҳар бир давлат қўнчилигидаги устувор жихатларини ўрганиш ва ҳамкорлик қилишда шўндай тажрибаларга асосланиб Жайка учун муҳим мезонлар ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вазири А.Полвоноданинг 2003 йили «Ўзбекистон ва Японияда суд-

ҳуқуқ ислохоти» номли симпозиумда катнашиш учун Японияга қилган ташрифидан сўнг япон ҳуқуқшўнослари томонидан Ўзбекистонда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотларига ва жинойи жазоларни либераллаштириш жараёнларига, шунингдек, ўз-ўзини бошқаршининг миллий институти — маҳалларнинг ўзига хос ўрнига янада катта қизиқиш уйғонди.

ЯНА БИР «БОИНГ-757»

Жаҳон авиация ҳамжамиятида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, қўнчили экспортлар фирмачи, ўз бизнесини самарали қўраётган авиакомпаниялардан бири ҳисобланади. Самолётлар паркинни модернизациялашга қаратилган йўл устувор бўлиб қўлмоқда. Зеро, Фарбда ишлаб чиқарилган самолётлар «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг парвозлар географиясини кенгайтирибгина қўлмай, йўловчиларга хизмат қўралиши сифатини ошириш ва парвозлар хавфсизлигини таъминлашга имкон бермоқда.

Дарвоқе, бундай ҳаво кемалари олис масофага уча олади, шўвинк даражаси паст, парвоз-техник кўрсаткичлари эса жуда юқори. Энг муҳими ёнлиги сарфи қўнчили тежамкор ҳисобланади. Жаҳон бозорига ёнлиги нархи кескин қўралиб кетаётган бир шaroитда бу ҳар бир авиакомпания учун жуда муҳимдир.

«Тошкент» халқаро аэропортига ўтган ҳафта охирида келиб қўнган яна бир «Боинг-757» самолети «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётлари паркинни тўлдирди. Лизинг асосида олинган ушбу замонавий ва қўлай самолёт тез орада халқаро йўналишларга чиқади.

Ташкилот ва корхоналар диққатига! «ЎЗДАВАРХИТЕКТҚУРИЛИШ» ҚўМИТАСИНING ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ҲУДУДИ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

Янги қўрилиш: 1. Шеробод тумани, Шеробод шаҳрида 2-сонли 315 ўринли мактабнинг биносини фойдаланишга тайёр ҳўлда қўриш. Қўрилиш ишларини бажариш мўддати — 270 кўн. 2. Денов туманининг Т.Ҳидоятлов номли ширкат ҳўжалигида 58-сонли 315 ўринли мактабнинг биносини фойдаланишга тайёр ҳўлда қўриш. Қўрилиш ишларини бажариш мўддати — 270 кўн. МУКАММАЛ РЕКОНСТРУКЦИЈА: 1. Термиз шаҳри, Ат-Термизий қўчаси, 16-сонли мактаб биноси. Ишларни бажариш мўддати — 180 кўн. 2. Жарқўрган тумани, К.Тулаков деҳқон фермерлар уюшмаси, 18-сонли мактаб биноси. 3. Бандиқон тумани, «Олмазор» ҚФЙ, 16-сонли мактаб биноси. Ишларни бажариш мўддатлари — 120 кўн. 4. Бойсун тумани, «Қўрғонча» ширкат ҳўжалиги, 53-сонли мактаб биноси. Ишларни бажариш мўддати — 60 кўн. 5. Денов тумани, Ҳолчаён ширкат ҳўжалиги, 89-сонли мактаб биноси. 6. Денов тумани, Ҳазарбоғ ширкат ҳўжалиги, 48-сонли мактаб биноси. Ишларни бажариш мўддатлари — 120 кўн. 7. Жарқўрган тумани, «Жарқўрган» деҳқон фермерлар уюшмаси, 15-сонли мактаб биноси. 8. Музаробод тумани, «Навбахор» ширкат ҳўжалиги, 23-сонли мактаб биноси. Ишларни бажариш мўддатлари — 180 кўн. 9. Олтинсой тумани, «Қўнчинон» ширкат ҳўжалиги, 40-сонли мактаб биноси. Ишларни бажариш мўддати — 160 кўн. 10. Олтинсой тумани, «Ширин» ширкат ҳўжалиги, 57-сонли мактаб биноси. Ишларни бажариш мўддати — 60 кўн. 11. Сариев тумани, Оқунбобоев ширкат ҳўжалиги, «Хўфар» қишлоғи, 8-сонли мактаб биноси. Ишларни бажариш мўддати — 180 кўн. 12. Сариев тумани, Оқунбобоев ширкат ҳўжалиги, «Нилу» қишлоғи, 8-сонли мактаб биноси. Ишларни бажариш мўддати — 160 кўн. 13. Термиз тумани, «Янги ҳаёт» ширкат ҳўжалиги, 19-сонли мактаб биноси. Ишларни бажариш мўддати — 120 кўн. 14. Узун тумани, «Қизил гўнча» қишлоғи, 11-сонли мактаб биноси. 15. Узун тумани, «Ок остона» қишлоғи, 24-сонли мактаб биноси. Ишларни бажариш мўддатлари — 180 кўн. 16. Шеробод тумани, У.Туропов номли ширкат ҳўжалиги, 28-сонли мактаб биноси. Ишларни бажариш мўддати — 180 кўн. 17. Шеробод тумани, «Қўнчитан» ширкат ҳўжалиги, 33-сонли мактаб биноси. 18. Шўрчи тумани, «Элбаён» қўргони, 29-сонли мактаб биноси. 19. Шўрчи тумани, «Ялти» ширкат ҳўжалиги, 18-сонли мактаб биноси. 20. Қизирқўм тумани, «Бўстон» ҚФЙ, «Бўстон» маҳалласи, 45-сонли мактаб биноси. 21. Қизирқўм тумани, «Бўстон» ҚФЙ, «Бўстон» маҳалласи, 8-сонли мактаб биноси. Ишларни бажариш мўддатлари — 160 кўн. 22. Қўмқўрган тумани, «Қамолот» ширкат ҳўжалиги, 14-сонли мактаб биноси. Ишларни бажариш мўддати — 188 кўн. 23. Қўмқўрган тумани, «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалиги, 59-сонли мактаб биноси. Ишларни бажариш мўддати — 160 кўн. Изоҳ: Ишоотларнинг мукаммал реконструкция қилиш ишларини молиялаштириш мактаб таъминини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бўртмачи — Сурхондарё вилояти ҳўкимлиги «Ягона бўртмачи хизмати» инжиниринг компанияси. Манзили: Термиз ш. А.Бакуменко к-си, 5-уй. Телефонлар: 2-49-71, 2-49-80, 2-49-77, факс: 2-49-75. Танлов савдоларида катнашиш учун талабгорлар қўйидаги шартларга: танлов савдолари предметини 20 фойза миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки қўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг маъқулдигига, етарли касбий ва техникавий маълака, молиявий имкониятларга, шартнома тўзиш юзасидан фўхаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт. Савдода катнашиш ва танлов ҳўжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қўрилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳўдудий консалтинг МАРКАЗИга қўйидаги манзил бўйича мурожаат этиши мумкин: Термиз ш., А.Темур қўчаси, 69-уй. Тел-факс: (8-37622) 2-44-57, 2-44-76. Малакани аниқлаш талонивидан ўтган ташкилот ва корхоналар учун бир тўплама танлов ҳўжатларининг нархи — 50 000 сўм. Тақдирлари (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Оферталарни очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кўндан кейин қўйидаги манзилда ўтказилади: Термиз ш., А.Бакуменко қўчаси, 5-уй.

САБАБ ВА ОҚИБАТЛАРИ

ни эгаллаган Қизилқўм чўлида арвол ўта жилдиди, ҳосилдорлик паст. Бунга сабаб аввало, ҳароратнинг юқорилиги ёнгарчилик камлиги бўлса, иккинчидан, аҳоли пунктлари табиий ҳўда билан таъминланмаган, натижада, аҳоли чўлдаги саксовул, шувоклардан ўтин, пилла қўртга даста сифатида фойдаланишди. Унинг ўрнига биз чўлга қўроқчиликка мослашган ўсимликларни табиатнинг ўзидан қўдириб топаямиз, танлаб уруғларини кузда олиб бориб экяёмиз, улар 2-3 йилда буй қўрастиб қўлапти.

— Ҳозир биз чўлларимизнинг силжиб бораётгани, яъни «салб юриш» жараёни кетаётгани ҳақда кўп гапиряёмиз. Яқинда тоғли туманда бўлганда, қизик ҳўлатни кўрдим, тоғ ёнбағирлари

тўпроқли, тошқол, гипсли чўллардир, тоғ даштлари, дарё ва қўроқ-бўйи, тўқайлар (галерей ўрмонлари), қамишли чакалзорлар бари шу экотизмда ётади. Республикаимизнинг тоғли қисмида ҳам чўлланиш жараёни кетаяпти, чўки инсон тоғ табиятининг ҳам аёвсиз нобуд қиляпти, арчалар, дарактарлар кесиб кетиялпти. Ёнгарчилик мавсумида сел келиши натижасида ўсимликлар ювиллиб кетаяпти. Ҳайвонлар дўнесига табиий офатлар ва инсоннинг антропоген таъсири тоғли ҳўдудлар Фаунаси кескин камайиб чўлланишини келтириб чиқаряпти. Мана, чўл ҳўдудларимиздаги 50 фойза майдон саҳроланаётган бўлса, тоғли жойларимизда 30 фойза майдон чўлланиб қўлапти.

лиқ, ҳайвонот олами, инсоннинг ўзи ҳам жабр қўраяпти. Яна шунини таъкидламоқчиманки, республикамиздаги шу соҳа олимлари, мутаассиди қўнчилар чўлланишга қарши қўрашаётган бўлса, бундан ташқари халқаро ташкилотлар ҳам қўмақлашапти. Чўки чўлланиш муаммоси ҳўдудий ўзга, у чегара билмайди, минтақа, қўнчалар оша силжиб бераверади, «салб юриш» да давом этаверади, бугунги чўл, эртанги саҳро... Саҳро қўлаб қўришига йўл қўймайди.

